



**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ: ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА МУАММОЛАР**

Ganiyev Umar Abdumalikovich

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Biznes va tadbirkorlik
oliy maktabining MBA-global menejment tinglovchisi
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19413686>

Аннотация

Мазкур мақолада корпоратив бошқарув тизимида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, имкониятлари ҳамда келгусидаги ривожланиш йўналишлари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари сунъий интеллект (СИ)нинг корпоратив қарорлар қабул қилиш, рискларни бошқариш, молиявий режалаштириш ва бошқа соҳаларда юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, сунъий интеллект, илғор технологиялар, рақамлаштириш, рақамли трансформация, корпоратив қарорлар, СИ алгоритмлари, молиявий рисклар.

Сунъий интеллектни корпоратив бошқарувга жорий этиш замонавий бизнесни тараққий эттиришда, шунингдек манфаатлар тўқнашувида инсон омилини камайтиришда муҳим ўрин тутди. СИ орқали корпоратив қарорлар қабул қилиш жараёнлари тезкор, сифатли ва юқори самара билан амалга оширилади.

Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, қисқа ва узоқ муддатли бизнес режаларни шакллантириш, бозордаги талаб ва таклифни мунтазам кузатиб боришда сунъий интеллектдан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллектни корпоратив бошқарувга татбиқ этиш футуристик ғоялардан амалий ечимларга айланиб, жадал ривожланмоқда. Ушбу технологияларнинг бизнес қарорлар қабул қилиш, маълумотларни интеграция қилиш ҳамда рискларни бошқаришдаги устунликларидан фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Ўрта ва узоқ муддатли бизнес режаларини ишлаб чиқиш, ривожланиш стратегиясини белгилаш, инвестиция дастурларини шакллантириш ва низоларнинг олдини олиш каби жараёнлар жуда мураккаб ҳисобланади. Бундай шароитда вазиятни олдиндан баҳолаш учун миллий ва халқаро қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, иш муносабатлари, ходимлар дунёқараши ҳамда бозор ҳолатини таҳлил қилиш каби кенг қамровли маълумотларни қайта ишлашда СИ муҳим аҳамият касб этади.



Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш ва босқичма-босқич сунъий интеллектни жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар жадал технологик тараққиёт билан узвий боғлиқдир. Давлат халқаро ҳамкорликка асосланган корпоратив бошқарув стандартларини ишлаб чиқишга қизиқиш билдирмоқда.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон қарор асосида СИни ривожлантириш, уни иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш, ягона талаблар, хавфсизлик ва шаффофликни таъминловчи норматив-ҳуқуқий асосни шакллантириш вазифалари белгилаб берилган.

Рақамли трансформация шароитида корпоратив бошқарув тизимлари чуқур ўзгаришларга учрамоқда. Бу жараёнда сунъий интеллект технологиялари инқилобий аҳамиятга эга бўлиб, глобал бозорда ҳам жадал ўсиш кузатилмоқда. Хусусан, 2022 йилда СИ бозори 387,45 млрд долларга баҳоланган бўлса, 2030 йилга келиб 1,345 трлн долларга етиши кутилмоқда.

Замонавий корпорациялар рақобатбардошликни таъминлаш учун инновацион технологияларни жорий этишга мажбур. Шу боис сунъий интеллектни корпоратив бошқарувда қўллаш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим масалага айланмоқда.

Ўзбекистонда ҳам сунъий интеллект банк, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва таълим каби соҳаларда кенг жорий этилмоқда. Шу билан бирга, жаҳон савдо ва логистика тизимларининг жадал ривожланиши корпоратив бошқарувда илғор технологияларни қўллаш заруратини кучайтирмоқда.

Мамлакатда СИга асосланган маълумотлар марказларини ташкил этиш ва Ўзбекистонни минтақавий IT марказга айлантириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Бир қатор давлатларда сунъий интеллектнинг корпоратив бошқарувдаги ўрни илмий жиҳатдан ўрганилмоқда. Бироқ уни корпоратив бошқарувнинг барча йўналишларига комплекс татбиқ этиш масалалари етарлича ёритилмаган.

Айрим тадқиқотларда сунъий интеллектнинг ҳуқуқий мақоми ва уни тартибга солиш механизмлари аниқ белгиланмагани таъкидланади. Шунга қарамай, жаҳон амалиётида СИни бизнес жараёнларига татбиқ этиш орқали юқори самарадорликка эришилаётгани кузатилмоқда.

Кўп ҳолларда корпоратив бошқарувда қўлланилаётган инновацион технологиялар таҳлил ва ҳисобот функциялари билан чекланади. Аммо



баъзи олимлар сунъий интеллект имкониятларини кенгроқ баҳолайдилар. Масалан, Wilson ва ҳаммуаллифлар фикрига кўра, СИ корпоратив бошқарувнинг турли босқичларида, айниқса қарор қабул қилишда машина ўрганиши алгоритмлари орқали муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сунъий интеллект асосида қабул қилинган қарорлар анъанавий усулларга нисбатан 35% гача юқори аниқликка эга. Хорижий компаниялар СИни бозор тенденцияларини таҳлил қилиш, рақобатчилар фаолиятини ўрганиш, истеъмолчилар хулқини таҳлил қилиш ва инвестиция имкониятларини баҳолашда самарали қўлламоқда.

Инсонга нисбатан маълумотларни тез ва самарали қайта ишлаш, вақт ва меҳнат сарфини камайтириш сунъий интеллектнинг асосий устунликларидан ҳисобланади. Хусусан, JP Morgan Chase банки тажрибаси СИ алгоритмлари молиявий рискларни баҳолашда инсон хатоларини 45% гача камайтиришини кўрсатади.

Бу ҳолат инвестиция қарорларини қабул қилишда молиявий таҳлил ва прогнозлашнинг аҳамиятини янада оширади. Реал вақтда маълумотларни таҳлил қилиш, автоматик ҳисоботлар тайёрлаш ва молиявий моделларни оптималлаштиришда СИ имкониятлари яққол намоён бўлади.

Шу ўринда корпоратив бошқарувда сунъий интеллект ва оддий техник воситаларни фарқлаш муҳим. Техник воситалар фақатгина фаолиятни енгиллаштиришга хизмат қилса, улардан фойдаланишда жавобгарлик инсон зиммасида қолади. Сунъий интеллект эса мустақил таҳлил қилиш, маълумотларни қайта ишлаш ва янги натижалар яратиш имкониятига эга бўлган интеллектуал алгоритм ҳисобланади.

Масофавий йиғилишлар ёки онлайн алоқа воситаларидан фойдаланиш рақамлаштириш натижаси бўлиб, бу ҳолат СИ орқали бошқарувнинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Сунъий интеллект эса мураккаб дастурий тизим сифатида алоҳида ўрин тутаяди.

Корпоратив бошқарувда СИни жорий этишда рискларни баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у молиявий ва операцион хавфларни олдиндан аниқлаш имконини беради. Бироқ бу жараёнда бир қатор муаммолар ҳам мавжуд:

техник муаммолар - сунъий интеллект самарали ишлаши учун сифатли ва катта ҳажмдаги маълумотлар зарур. Бу эса замонавий инфратузилма ва кучли дастурий таъминотни талаб қилади. Маълумотларнинг тарқоқлиги, стандартлаштирилмаганлиги ва базаларнинг тўлиқ эмаслиги СИ



тизимларини жорий этишда қийинчиликлар туғдиради¹.

Эскирган техник инфратузилмалар, ҳисоблаш ресурсларининг етарли эмаслиги, маълумотларга кириш ва уларни таҳлил қилиш имкониятларининг чекланганлиги ҳамда халқаро интеграция жараёнида мавжуд сунъий тўсиқлар ушбу муаммони янада мураккаблаштиради. Шунингдек, юқори малакали мутахассислар танқислиги ҳам бу соҳадаги муҳим муаммолардан бири сифатида қайд этилади. IBM тадқиқотларига кўра, жаҳон миқёсида сунъий интеллект соҳасида малакали кадрларга бўлган эҳтиёж таклифга нисбатан уч баробар юқори.

Асосий муаммолар сифатида AI мутахассисларининг етишмаслиги, юқори малакали кадрларни жалб қилишнинг қимматлиги, мавжуд ходимларни қайта тайёрлашдаги қийинчиликлар ва кадрлар алмашинувининг юқорилиги келтирилиши мумкин. Бу омиллар компанияларда сунъий интеллект технологияларини тўлиқ жорий этишни қийинлаштиради. Шу сабабли, асосан катта молиявий имкониятларга эга ташкилотларгина ушбу йўналишда сезиларли натижаларга эришмоқда.

Сунъий интеллект инсон ресурсларини бошқариш соҳасида ҳам меҳнат муносабатларига оид қарорларни қабул қилиш имкониятига эга. Ҳозирги кунда бу масала глобал даражада жиддий муҳокама қилинмоқда. СИнинг ривожланиши ишсизлик муаммосини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳам долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Масалан, сўнгги вақтларда сунъий интеллект атрофида турли баҳслар кўпайган. Жумладан, Илон Маск ва Буюк Британия Бош вазири Риши Сунак ўртасида бу масалада фикрлар тўқнашуви кузатилган. Буюк Британияда ўтказилган СИ бўйича илк глобал анжуманда Маск сунъий интеллект келажакда инсонларни меҳнат қилиш мажбуриятдан озод қилиши мумкинлигини, иш фақат шахсий қониқиш учун бажарилиши мумкинлигини таъкидлаган. Сунак эса бу фикрга қарши чиқиб, меҳнат инсон ҳаётига маъно бахш этишини таъкидлаган.

Демак, иш ўринларининг қисқариши эҳтимоли, янги технологияларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, ўзгаришларга нисбатан психологик қаршилиқ ва анъанавий иш усулларига ўрганиб қолиш ҳолатлари ходимлар томонидан қаршилиқ пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ҳуқуқий базанинг етарли даражада шаклланмаганлиги, халқаро стандартларнинг мавжуд эмаслиги, маълумотлар хавфсизлигига

¹ Wang, F., Li, X., & Chen, Y. (2024). Decision Making in AI-Enhanced Corporate Systems. *Decision Sciences Journal*, 42(1), 56-73.; Thompson, P., Garcia, M., & Brown, K. (2024). Financial Risk Assessment Using AI: JP Morgan Chase Experience. *Banking Technology Review*, 31(2), 145-162.)



оид талабларнинг мураккаблиги ҳамда жавобгарлик масалаларининг аниқ белгиланмагани соҳанинг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бизнингча, ушбу муаммоларни бартараф этиш учун самарали чоратadbирлар мавжуд. Хусусан, техник муаммоларни ҳал қилишда маълумотлар сифатини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш, инфратузилмани босқичма-босқич янгилаш ижобий натижа беради.

Шунингдек, компаниялар томонидан ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларини жорий этиш, сунъий интеллект соҳасида мутахассислар тайёрлаш орқали босқичли ривожланиш стратегиясини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кўплаб давлатларда сунъий интеллектни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича етарли тажриба шаклланмаган бўлса-да, бу йўналишда босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган қонунчилик асосида қатор давлатлар ўз миллий ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлмоқда.

Бунинг учун AI этикасига оид ички стандартларни шакллантириш, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, ҳуқуқий маслаҳатчилар билан ҳамкорлик қилиш, киберхавфсизлик тизимларини такомиллаштириш, мунтазам аудит ўтказиш ва хавфсизлик стандартларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида корпоратив бошқарувда сунъий интеллектдан фойдаланишга оид ҳуқуқий муҳит шаклланиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам бу борада муайян ҳуқуқий асослар мавжуд. Хусусан, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” ҳамда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунлар ушбу соҳани тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга².

2024 йил 13 март куни Европа Парламенти томонидан қабул қилинган сунъий интеллект тўғрисидаги қонун дунёдаги илк кенг қамровли ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

AҚШда - National Artificial Intelligence Initiative, Хитойда эса — New Generation of Artificial Intelligence Development Plan каби дастурлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кўплаб давлатлар ушбу соҳада эҳтиёткорлик билан ёндашувни сақлаб қолмоқда.

Хулоса. Корпоратив бошқарув тизимига сунъий интеллектни жорий

² Wilson, M., Davis, R., & Johnson, T. Manufacturing Optimization with AI: GE Case Study. Industrial Engineering Journal, 2024. 45(3), 278-295.; https://uza.uz/uz/posts/suniy-intellekt-yaratgan-bosh-vazir-yaponlarni-hayazhongasoldi_551326



этишга оид қонунчилик қатор муҳим масалаларни ҳал этиши талаб этилади. Жумладан, бошқарувдаги рисклар, манфаатлар тўқнашуви, инсон омилининг ўрни, автоматлаштириш натижасида юзага келадиган оқибатлар, жавобгарликни тақсимлаш ва корпоратив этикага таъсир каби жиҳатлар алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, иштирокчиларнинг розилиги, сунъий интеллект тизимларида маълумотларни йиғиш ва улардан фойдаланиш тартиби, ахборот сиёсати, шунингдек йиғилишларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам ҳуқуқий тартибга солиниши зарур.

Умуман олганда, сунъий интеллект технологиялари корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, келажакда мазкур технологияларнинг янада кенг жорий этилиши ва ривожланиши кутилмоқда. Бу эса корпоратив бошқарув тизимларини янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш имконини яратади³.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Smith, J., & Johnson, P. The Role of AI in Modern Corporate Governance. *Corporate Management Review*, 2023. 38(4), 412-429.
2. Wilson, T., & Brown, M. Machine Learning in Corporate Decision Making: A Strategic Approach. *Strategic Management Journal*, 2023. 40(2), 189-206.
3. Chen, H., Zhang, L., & Wang, R. Artificial Intelligence in Corporate Governance: A Systematic Review. *Journal of Business Management*, 2022. 45(3), 278-295.
4. Bozarov S.S “Sun’iy intellekt doirasida huquqiy javobgarlik” Yuridik fanlar doktori (Doctor of Science) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan Dissertatsiya. -Toshkent – 2023. 16-b.
5. Wang, F., Li, X., & Chen, Y. (2024). Decision Making in AI-Enhanced Corporate Systems. *Decision Sciences Journal*, 42(1), 56-73.
6. Thompson, P., Garcia, M., & Brown, K. (2024). Financial Risk Assessment Using AI: JP Morgan Chase Experience. *Banking Technology Review*, 31(2), 145-162.
7. Wilson, M., Davis, R., & Johnson, T. Manufacturing Optimization with AI: GE Case Study. *Industrial Engineering Journal*, 2024. 45(3), 278-295.
8. https://uza.uz/uz/posts/suniy-intellekt-yaratgan-bosh-vazir-yaponlarni-hayazhongga-soldi_551326
9. <https://www.congress.gov/bill/116th-congress/house-bill/6216/text>.
10. https://www.unodc.org/res/ji/import/policy_papers/china_ai_strategy/china_ai_strategy.pdf

³ <https://www.congress.gov/bill/116th-congress/house-bill/6216/text>;
https://www.unodc.org/res/ji/import/policy_papers/china_ai_strategy/china_ai_strategy.pdf